

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN 2181-1342

Actual problems of social and humanitarian sciences
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

Ijtimoiy-gumanitar fanlarning dolzarb muammolari

10/S-son (4-jild)

2024

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/10 (4) - 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2024

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

Турсунов Равшан Нормуратович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Холикулов Ахмаджон Боймаҳамматович – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Миллий Университети;

Габриэльян Софья Ивановна – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Миллий Университети.

Саидов Сарвар Атабулло ўғли – катта илмий ходим, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази, илмий тадқиқотлар бўлими.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Насирходжаева Дилафруз Сабитхановна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Остонокулов Азамат Абдукаримович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент молия институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Хожаев Азизхон Саидалоҳонович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Фарғона политехника институти

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Саидова Камола Усканбаевна – фалсафа фанлари доктори, “Tashkent International University of Education” халқаро университети;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Ўроқова Ойсулов Жамолиддиновна – фалсафа фанлари доктори, доцент, Андижон давлат тиббиёт институти, Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизиллович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳасанов Шавкат Аҳадович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Бахронова Дилрабо Келдиёровна – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Мирсанов Ғайбулло Қулмуродович – филология фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Эргашев Икром Абдурасулович – юридик фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлар номзоди, Тошкент давлат юридик университети;

Норматов Бекзод Ақром ўғли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Каюмова Насиба Ашуровна – педагогика фанлари доктори, профессор, Қарши давлат университети;

Тайланова Шохидат Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент;

Жуманиёзова Муҳайё Тожиевна – педагогика фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Ибрахимов Санжар Урунбаевич – педагогика фанлари доктори, Иқтисодиёт ва педагогика университети;

Жавлиева Шахноза Баходировна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети;

Бобомуротова Латофат Элмуродовна – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Самарқанд давлат университети.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Василя Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбахор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги

Тошкент давлат педагогика университети,
Амалий психологияси кафедраси муdiri;

Атабаева Наргис Батировна – психология
фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика университети;

Шамшетова Анжим Карамаддиновна –
психология фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари
доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт
бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология
фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
миллий университети кафедра муdiri;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари
доктори, профессор, Ўзбекистон миллий
университети;

Содиқова Шоҳида Мархабобовна – социология
фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон
халқаро ислом академияси.

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар
доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор,
Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар
доктори, доцент, Ўзбекистон миллий
университети кафедра муdiri.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).

07.00.00 – TARIX FANLARI

Norbekov Ahmadjon Norbekovich

XX-ASRNING BIRINCHI YARMIDA O'ZBEKISTONNING SIYOSIY -IJTIMOIY VA IQTISODIY

HOLATI 11-18

Eliboyev Ozodjon Po'lat o'g'li

BAQTRIYANING KUSHONIYLAR DAVRI SHAHARSOZLIGI VA ME'MORCHILIGI..... 19-23

Нуритдинова Нодира Сирожовна

XX-АСР БОШЛАРИДА ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ (СЕНАТОР К.К. ПАЛЕН

ТАФТИШ МАТЕРИАЛЛАРИ АСОСИДА)..... 24-28

Чориев Шоҳрух Холтура ўғли

ЎРТА ОСИЁ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САРОЙ АРХИТЕКТУРАСИ ИЖТИМОИЙ

СТРАТИФИКАЦИЯНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА 29-38

Жумаева Шоира Бердияровна

МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА

МУҚАДДАС ҚАДАМЖО ВА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ЎРНИ 39-43

Jo'rayev Muxriddin Xasanovich

MOVAROUNNAHRLIK MUHADDISLARNING ILMIY SAFARLARI VA SAFAR YO'LLARI

GEOGRAFIYASI..... 44-51

Муқимова Рисолат Рустамжон қизи

ЗИЁРАТ МАРОСИМЛАРИДА ТАБИАТ КУЛЬТИ БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТЛАР 52-56

08.00.00 – IQTISODIYOT FANLARI

Абдуллаев Алтинбек Янгибаевич

ДОННИ ҚАЙТА ИШЛАШ КОРХОНАЛАРИДА ТЎЛОВ ҚОБИЛИЯТИ БОШҚАРУВ ҲИСОБИНИНГ

ИЛМИЙ – МЕТОДОЛОГИК ЁНДОШУВИ 57-69

Baxriddinova Yulduz Baxriddinovna

MINAQALARDA FARMATSEVTIKA SANOATINI RIVOJLANTIRISHNING ZARURIYATI 70-75

Matkarimov Inomjon Baxtiyorovich

QISHLOQ XO'JALIK MAHSULOTLARINI YETISHTIRISHDA AGROBIOKIMYO XIZMATLARINI

TAKOMILLASHTIRISHNING OBYEKTIV ZARURATI 76-86

Ибадуллаев Дилшад Ибрагимович

ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИНИ МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИГА ТАЪСИРИНИ

ЭКОНОМЕТРИК БАҲОЛАШ АСОСЛАРИ 87-92

Исламтудинова Дина Файзрахмановна

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА РЕСПУБЛИКИ

УЗБЕКИСТАН 93-102

Qobiljon Isaev

O'ZBEKISTONNING JAHON SAVDO TASHKILOTIGA (JST) A'ZO BO'LISHINI IQTISODIY

BAHOLASH 103-110

09.00.00 – FALSAFA FANLARI*Xaitov Elmurod Bekmurodovich*

O'ZBEKISTONDA "AHOLI HAYOT SIFATI"GA ASOSIY YONDOSHUVLAR: MUAMMO VA YECHIMLAR (IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLIL) 111-116

Расулов Зоҳиддин Усарович

СПОРТ ЭСТЕТИКАСИ: РИТМ, ХАРАКАТ ВА МАДАНИЯТНИНГ УЙЎНЛИГИ 117-122

Тавмурадов Жамшид Элмурадович

АБДУЛҚОДИР БЕДИЛНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ: ФАЛСАФА ВА АДАБИЙ МЕРОС 123-128

Davronov Otabek Ulug'bek o'g'li

YUSUF QORABOG'IIY SHAXSIYATI VA FALSAFIY-ILMIY MEROSI 129-132

Muxtorova To'tixon Solijonovna

FALSAFA FANINI O'QITISHDA ZAMONAVIY YONDASHUVLAR: METODLAR VA AMALIYOTLAR 133-137

Akramov G'iyosiddin Najmiddinovich

MARGINALLASHUV TUSHUNCHASINING IJTIMOIIY-FALSAFIY TAHLILI 138-142

Ahmedova Dilrabo

DINIY BAG'RIKENGLIKNING YOSHLAR IJTIMOIIY, MA'NAVIY QIYOFASI SHAKLLANISHIDAGI IJTIMOIIY POTENSIALI 143-150

11.00.00 – FILOLOGIYA FANLARI*Abdunabiyev Sunnat Botirovich*

IBN BATTUTANING «SAYOHATNOMA» ASARIDA TARIXIY SHAXSLAR NOMINING TARJIMADA BERILISHI 151-159

Seytnazarova Injayim

ADABIYOTSHUNOSLIK SOHASIDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH TAHLILI 160-168

Tukhtakhodjaeva Zulfya

PHRASEOLOGY AS A SUBSYSTEM OF THE ENGLISH VOCABULARY 169-174

Abdusalamov Doniyor Togayali ogli

REFLECTION OF THE CONCEPT OF «POLITENESS» IN THE PHRASEOLOGICAL AND PAREMIOLOGICAL RESERVOIRS OF THE COMPARED LANGUAGES 175-179

Axmedov Anvar Botirovich

TILNING NOMINATSIYA TIZIMIDA O'ZLASHMA SO'ZLAR 180-184

Aminov Farrukh Komiljon Ugli

THE EVOLUTION OF MEDIA DISCOURSE: FROM TRADITIONAL FORMS TO MULTIMODAL REPRESENTATIONS IN DIGITAL SPACES 185-193

Sharipov Bobur Salimovich

RETSIPROKLI SEMANTIK DERIVATSIYA 194-201

Abduganiyeva Zebuniso Abduhafizovna

ILMIY DISKURSNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI 202-205

Samatov Farxod Muminovich

O'ZBEK VA INGLIZ TILIDA "TV" SEMANTIK MAYDONI LEKSIK BIRIKLARINING SO'Z YASALISH XUSUSIYATLARI (ABBREVIATURALAR MISOLIDA) 206-210

Kendjayeva Zemfira

METAFORIK POLISEMIYANING LINGVISTIK YUMORI..... 211-216

Abdullayeva Nilufar Ramazonovna, Uzoqova Durdona Baxtiyor qizi

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA «HID», «IS» KONSEPTINING SEMANTIK TAHLILI 217-221

Saydullayeva Dilrabo Ilxom qizi

ALISHER NAVOIYNING "NASOYIM UL-MUHABBAT" TAZKIRASI VA SULAMIYNING "TABAQOT US-SUFIYA" ASARLARI O'RTASIDAGI MUSHTARAKLIKLER 222-226

Шарапова Лола Станиславовна

ИЛЛЮЗИЯ И РЕАЛЬНОСТЬ В КОНТЕКСТЕ МАГИЧЕСКОГО РЕАЛИЗМА..... 227-232

Ҳакимова Мастура Файзиллаевна

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАҚОЛЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ ДУНЁ ТАСВИРИНИ АКС ЭТИШДАГИ АҲАМИЯТИ ВА ЛЕКСИК МАЪНОНИНГ РИВОЖЛАНИШИ (КЕНГАЙИШИ) 233-239

Mo'soyeva Hayitgul O'roqovna

"HEART" – "YURAK" SO'ZLI METAFORALARNING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDAGI KOGNITIV TAHLILI 240-245

Mamataliyeva Navbahor Xujamberdiyevna

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA TEZ AYTISHLARNING STRUKTURAVIY TAHLILI 246-250

Багаутдинова Ильмира Салаватовна

ВЛИЯНИЕ РОДНОГО ЯЗЫКА НА ПРОИЗНОШЕНИЕ В ИЗУЧЕНИИ ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ 251-255

12.00.00 – YURIDIK FANLAR

Nuraliyev Oyatillo Abduvaliyevich

EFFECTIVE PRACTICES FOR DRAWING YOUNG TALENT TO UZBEKISTAN'S PUBLIC CIVIL SERVICE 256-268

Алиев Асилбек Кадирович

ВОПРОСЫ ОТГРАНИЧЕНИЯ МАССОВЫХ БЕСПОРЯДКОВ И ГРУППОВОГО ХУЛИГАНСТВА 269-275

Hong Weixing

INTERNATIONAL LAW AS THE FOUNDATION FOR THE DEVELOPMENT OF TRADE AND ECONOMIC RELATIONS BETWEEN UZBEKISTAN AND CHINA 276-284

Султанова Сабохат Алишеровна

ПЕРСПЕКТИВЫ ДАЛЬНЕЙШЕГО РАЗВИТИЯ ОЦЕНКИ РЕГУЛЯТОРНОГО ВОЗДЕЙСТВИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН 285-290

Jonuzoqova Yulduz Izzatulla qizi

O'ZBEKISTONNING AXBOROT TEXNOLOGIYALARI SOHASIDAGI TRANSMILLIY JINOYATLARGA QARSHI KURASH MASALALARI 291-298

Абдусамиева Дилрабо Абдувахоб кизи

ПРЕВЕНТИВНАЯ ФУНКЦИЯ ПОСТПЕНИТЕНЦИАРНОЙ РЕСОЦИАЛИЗАЦИИ 299-304

Khalikov Khayot

THE ROLE OF MODEL UNITED NATIONS IN SHAPING GLOBAL LEADERS AND LAWYERS: A CASE STUDY ON UZBEKISTAN'S YOUTH 305-311

Даулетова Динара Даулетовна

ПРИЧИНЫ И УСЛОВИЯ, СПОСОБСТВУЮЩИЕ ХИЩЕНИЮ ЧУЖОГО ИМУЩЕСТВА .. 312-317

13.00.00 – PEDAGOGIKA FANLARI

Толипов Бахтиёр Хамитович

БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРДА АНАЛИТИК ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ВОСИТАЛАРИ 318-324

Собирова Гулибарно Зайнитдин қизи

ТЕХНОЛОГИИ РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ НА УРОКАХ
РУССКОГО ЯЗЫКА 325-335

Xolmatova Ziroatxon Anvarovna

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING TASHXISLASH KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHDA
INNOVATION-METODOLOGIK YONDASHUVLAR 336-339

Abduxoliqov Sardor Safarovich

YOSH DZYUDUCHILARNI JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISHDA HARAKATLI
O'YINLARNING O'RNI 340-344

Usmonova Mohizoda Avazjon qizi

GLOBOL TA'LIM MUHITIDA TALABALARNING MULOQOT MADANIYATINI INTEGRATIV
YONDASHUV ASOSIDA RIVOJLANTIRISH TIZIMI 345-348

Xodjiyeva Zumrad

MEZONLARGA ASOSLANGAN BAHOLANISHNING CHEKLANGAN DOIRASI 349-352

Turdiyev Ismoil Allayorovich

OLIY TA'LIM HAYOTIDA MA'NAVIY-MA'RIFIY ISHLARNING ILMIY-NAZARIY ASOSLARI
HAQIDA 353-358

Ibadullaev G'ayrat Akmuradovich

BO'LAJAK FIZIKA-ASTRONOMIYA O'QITUVCHILARINING KOMPETENTLIGINI
RIVOJLANTIRISH METODLARI 359-364

Ishonkulov Sherali Sharifovich

TALABALARNING IJODIY QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH VOSITASI SIFATIDA RAQAMLI
DASTURLARDAN FOYDALANISH 365-372

Raxmatov Rafik G'ayratovich

IMKONIYATI CHEKLANGAN O'QUVCHILAR RIVOJLANISHIDA TURMUSH TARZINI
SOG'LOMLASHTIRISH KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK
IMKONIYATLARI 373-378

Xalmuratova Shaxnoza Bekmurzaevna

BO'LAJAK BOSHLANG'ICH SINFI O'QITUVCHILARINING RISKOLOGIK MADANIYATINI
SHAKLLANTIRISH TAMOIYILLARI 379-383

Meliboyeva Nodira Qaxramanjanovna

MIRSODIQ TOJIYEV MEROSI (CHANG UCHUN YARATGAN ASARLARI MISOLIDA) 384-387

Qodirov Mirjalol Tolmasovich

TA'LIMDA GIPERMATNLI AXBOROT MODELLARINI QURISHNING ZAMONAVIY
TEKNOLOGIYALARI VA ASPEKTLARI 388-392

Karimova Aziza

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI SCAMPER TEXNIKASI ORQALI BOLALARNING KREATIV
TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHGA O'RGATISH METODIKASI 393-399

Nishonov Nodir Alimjanovich

BO`LAJAK O`QITUVCHILARDA FUTUROLOGIK TAHLIL QILISH KO`NIKMALARINI

RIVOJLANTIRISHNING MUHIM ASPEKTLARI 400-404

Xidirova Durdona Muxtorovna

SINERGETIK YONDASHUV ASOSIDA O`QUVCHI QIZLARNI IJTIMOIMADANIY

MUNOSABATLARGA TAYYORLASH MEKANIZMLARI 405-408

Received: 10 December 2024

Accepted: 15 December 2024

Published: 25 December 2024

Article / Original Paper

PALACE ARCHITECTURE OF CENTRAL ASIA DURING THE TIMURIDS AS A SOURCE FOR STUDYING SOCIAL STRATIFICATION

Choriyev Shohrux Xoltura o'g'li,

Junior researcher at the National Archaeological Center of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article analyzes the significance of palace architecture during the Timurid period in studying social stratification. The palaces constructed in Samarkand and other cities, which served as the cultural and political centers of the Timurid state, are presented not only as symbols of the ruler's power but also as valuable sources of information about the social structure of society.

Keywords: Timurids, palaces, stratification, architecture, society, Samarkand.

ЎРТА ОСИЁ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА САРОЙ АРХИТЕКТУРАСИ ИЖТИМОЙ СТРАТИФИКАЦИЯНИ ЎРГАНИШ МАНБАСИ СИФАТИДА

Чориев Шохрух Холтура ўғли,

Миллий Археология Маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, кичик илмий ходими

Аннотация. Мақолада Темурийлар давридаги сарой архитектураси ижтимоий стратификацияни ўрганишдаги аҳамияти таҳлил қилинади. Темурийлар давлатининг маданий ва сиёсий маркази бўлган Самарқанд ва бошқа шаҳарларда барпо этилган саройлар фақатгина ҳукмдор куч-қудратининг тимсоли эмас, балки жамиятнинг ижтимоий тузилиши ҳақидаги қимматли маълумот манбаи сифатида ҳам намоён бўлади.

Калит сўзлар: Темурийлар, саройлар, стратификация, архитектура, жамият, Самарқанд.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SPR1342V4SI10Y2024N04>

Темурийлар даври (XIV–XV асрлар) Ўрта Осиёнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий ривожланишида ўзига хос босқични ташкил қилади. Бу даврда қурилган саройлар нафақат бадий безаклари ва ҳашамати билан ажралиб туради, балки жамиятнинг ижтимоий таркиби, ундаги табақаланиш ва ҳукмдорнинг ўрни ҳақида тушунча беради. Саройлар ижтимоий стратификацияни ўрганиш учун қимматли манба бўлиб, уларнинг меъморий тарҳлари, безаклари ва фойдаланиш мақсадлари бу жараёни ёритади.

Темур ва Темурийлар ҳукмронлиги даврида Эрон ва Ўрта Осиё яқдил архитектура услубига эга ягона давлатга бирлашган эди. Илмий тадқиқотларда ушбу услуб Ўрта Осиёда Эронга нисбатан кенгроқ ўрганилган. Шу жумладан, Темурийлар даври архитектураси шаклланиш давлари тадқиқ қилинган, ёдгорликлар тавсиф ва таҳлил қилинган, уларнинг безакларининг деталлари ҳам тадқиқот объекти бўлган.

Тадқиқот ишимиз методологияси XV асрдаги манбаларини ўрганишга асосланади. Ушбу манбалар ўша замонда Эрон ва Ўрта Осиё Темурийлар архитектураси таърифига, Темурийлар маданиятининг ўзига хос жиҳатларини баён этишга бағишланган. Кўриб чиқиладик ёзма ва тасвирий манбаларни биз уч гуруҳга бўлдик. Биринчи гуруҳ манбалари замондош хорижликлар томонидан яратилган. Улар бошқа маданият вакиллари бўлишган, тадқиқотимиздаги санъат улар учун бегона бўлган ва улар кўрган архитектура санъати уларни ҳайратга солган, лол қолдирган. Иккинчи гуруҳ манбаларига тадқиқ қилинаётган маданият ташувчиларининг муаллифлигидаги ёзма манбаларни киритдик. Учинчи гуруҳга эса, шунингдек, тадқиқ қилинаётган маданият ташувчиларининг тасвирий манбаларини киритдик. Хорижликлар мойқаламига мансуб XV аср тасвирий манбалари аниқланмади.

Биринчи гуруҳ манбаларидан испан элчисининг Темур саройига ташрифи кундалигини таҳлил қиламиз.

Ушбу асар Л. Альбертининг «Архитектура ҳақида ўн китоб», А. Филаретенинг «Архитектура ҳақида трактат», Л. Гибертининг машҳур «Изоҳлар»и билан замондош. Италия уйғонув даври вакиллари (Альберти, Филарете, Гиберти) фарқли равишда испаниялик кундалик эгаси Ренессанс «антикосентризми»дан ҳоли бўлган. У рассом ёки санъат ҳомийси бўлмаган, шунингдек, маданият, санъат, жумладан архитектурага юқори дид ва диққат билан муносабат билдира олган ва буни алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Солиштириш учун, Афанасий Никитиннинг «Уч денгиз нарий юриш»и ёки Марко Полонинг «Дунё турфалиги ҳақида китоб»и муаллифларининг ўзлари саёҳат қилган ўлкаларда кўрган бадиий гўзалликлар таърифи жиҳатидан анча қашшоқ ҳисобланади.

XV аср бошида Темур саройига испан элчилиги Кастилия қироли Генрих III томонидан жўнатилади. Маълумки, бу Кастилиядан Темур саройига жўнатилган иккинчи элчилик миссияси эди. Биринчиси 1402 йили Ўрта Осиёга жўнатилган бўлиб, ортга Темур элчиси ҳамроҳлигида Кастилия қиролига ёрликлар ва совға-саломларга бой ҳолда қайтган. (Ушбу элчилик миссияси қатнашувчиларидан ҳеч қандай ёзма гувоҳликлар бизгача етиб келмаган.) Жавоб тариқасида қирол янги таркибдаги элчиликни орқага, ватанига қайтажа Темур элчиси билан бирга жўнатади [7; 1–2– б.].

Элчилик Кадисдан 22 май 1403 йили денгиз орқали йўлга чиқади, 24 март 1406 йили эса қирол Генрих III бўлиб турган Алкала де Энаресга қайтади. Саёҳат давомида улар Ўрта Ер ва Қора денгизни кесиб ўтишади ва Шимолий Кавказ орқали Каспий денгизининг жанубий қирғоғига етиб келишади. Кейин улар Шимолий Эрон орқали Чоржўй яқинидаги Амударёдан ўтиш учун келиб Самарқандга йўл олишади. Элчилик уч кишидан иборат бўлган: Илҳомиятшунослик магистри Альфонсо Паэс де Санта Мария, Руи Гонсалес де Клавихо ва қиролик тансоқчиси Гомес де Саласар. Тансоқчи йўлда вафот этади ва белгиланган манзилга етиб бормаган. Уларга унчалик катта бўлмаган хизматкор ва ёрдамчилардан иборат мулозимлар гуруҳи ҳамроҳ бўлган. Гонсалес де Клавихо саёҳатнинг илк кунидан кундалик тутган ва унга кейинги уч йилликнинг деярли ҳар кунига қайдлар ёзиб борган.

Кундаликда Темур сарҳадларига етибгунга қадар бўлган вақтда элчилик билан содир бўлган саргузаштлар ҳам ўрин олган (йўл оғир бўлган ва элчиликдан мардлик ва совуққонликни талаб қилган). Шунингдек, кундаликда Темур империяси таркибига кирган ерлар, Темур шахси ва унинг атрофига оид маълумотлар батафсил тавсифланган. Бу фикрни тасдиғи ўлароқ, Клавихонинг кундалиги охирида саёҳатнинг «шарқий томони»га алоҳида эътибор қаратилган ва у шундай ёзган: «Худого шукур! Буюк Темурлангнинг йилномаси ва Касал лақабли, энг буюк қирол Энрико томонидан юборилган элчилар томонидан қилинган саёҳатнинг тавсифи тугади, унда бутун шарқ

томонида бўлган барча ажойиб ва ҳайратланарли нарсалар ҳақида ҳисобот жамдир» [7; 388- б.].

Гонсалес де Клавихонинг асари Ғарбий Европада мусулмон Шарқини идрок қилиш хусусиятларини тадқиқ қилиш учун ҳам ўта қимматли манбадир. Бироқ, шу пайтгача, ушбу муҳим ҳужжатни ўрганишда санъатшунослик услуби қўлланилмаган, асосан тарихий ва манбашунослик-матншунослик [8; 43- б.] ва кундалик ҳаётни ёритиш нуқтаи назаридан ўрганилган [10; 87- б.].

Темур саройига йўлга чиққан Клавихо дарҳол унинг куч-қудрати ҳақида маълумот тўплай бошлайди. «Дамашқдан бирор ҳунар эгаси бўлган барча усталарни Темур Самарқандга жўнатишни буюради» [7; 144- б.], деб ёзади муаллиф.

Испанлар Испания ҳудудидаги мусулмон меъморчилиги ёдгорликлари билан таниш бўлганлиги эҳтимоли жуда юқори (эҳтимол, Кордова масжиди ёки Толедодаги синагога билан), лекин улар Темур қудратининг мусулмон меъморчилигини биринчи марта кўрдилар ва, шубҳасиз, унинг характерли хусусиятларига, умуман, Шарқ цивилизацияларининг ўзига хослигига эътибор қаратдилар.

Клавихо ўзи ҳақида ўша даврлар анъаналарига кўра учинчи шахсда, худди ўзини ташқаридан, холисона идрок этаётгандек ёзади. У Темур ҳукмронлиги давридаги мусулмон дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини ҳамда улар билан боғлиқ бўлган Форс ва Ўрта Осиё меъморчилигининг характерли хусусиятларини диққат билан кузатади.

Клавихо ўз кундалигида ҳамма жойда Темур империяси шаҳарларининг бойлигини, ҳукмдор саройларининг ҳашамати, унинг буйруғи билан қад ростлаган масжидларнинг ҳашамдор безакларини, қалъа ва қасрларнинг қудрати (важохати), биноларнинг хилма-хиллигини (саройлар, масжидлар, мақбаралар, ҳаммомлар, меҳмонхоналар) алоҳида қайд этган.

Табриз шаҳри ҳақида у шундай ёзади: “Бу шаҳарда жуда катта бинолар ва масжидлар бор, улар лазурит ва грек олтин ишланмалари, кўплаб қизил шишалар бўлаклари билан ҳайратланарли даражада безатилган” [7; 169- б.]. Ва давомида: “Бу шаҳарда гўзал ва ҳашамдор масжидлар ҳам бор эди, шунингдек, дунёдаги, менимча, энг ажойиб ҳаммомлар ҳам бор эди” [7; 171- б.].

Султония шаҳри ҳақида Клавихо хабар беришича, “у ердан кўплаб каналлар ўтади, турли хил товарлар сотиладиган кўплаб чиройли безатилган майдонлар ва кўчалар бор. Унда у ерга келган савдогарлар жойлашадиган йирик меҳмонхоналар ҳам бор” [7; 179- б.].

Амударёдан ўтиб бўлган Клавихо ўз кундалигида ёзадики, бир куни улар тушлик қилиш учун “баланд тоғ этагида, хочсимон шаклда қурилган, ғиштдан жуда яхши маҳорат билан безатилган, кўплаб нақшлар чизилган ва ранг-баранг материал бўлаклари билан бойитилган гўзал уй”га тўхташган [7; 230- б.].

Кеш саройлари. Темур ватани бўлмиш Кеш шаҳри ҳақида Клавихо шундай ёзади: “Бу шаҳарда жуда кўп катта уйлар ва масжидлар бўлган, хусусан, Темурбек (яъни Темур) томонидан қурилган, ҳали қуриб битказилмаган бир масжид бор эди” [7; 233- б.]. деб хабар беради. Амир Тарағай дафн этилган мақбара ҳам шу ерда жойлашган. Темур ўзи учун қуришни фармон қилган мақбара қурилиши эса ҳали давом этган. Мақбара қурилишидан кўнгли тўлмаган Темур, мақбаранинг эшиги паст эканини айтиб, қайта ишлашни буюрган. Шунингдек, Темурнинг катта фарзанди Жахонгир Мирзо ҳам шу масжидга қўйилган. Бу масжид ва мақбаралар жуда бой ва ҳашамдор бўлиб, ажойиб тарзда олтин, кошинлар ва бошқа қимматбаҳо материаллар билан безатилган” [7; 234-

б.]. Масжид олди ховлисида дарахтзор ҳовуз бор. Темур фармонига кўра, масжидда кунига 20та қўй қурбонлик қилиниб, отаси ва ўғли ҳаққига халққа ош берилган. Элчилар ҳам шу масжидга таклиф қилиниб, бой зиёфатдан сўнг, улар яшаши учун мўлжалланган катта саройга олиб борилган.

Шунингдек, элчилар ўша даврда 20 йилдан буён қурилатган, ҳозирги Шаҳрисабздаги Оқсаройга олиб борилган. Улар борганда ҳам қурилиш ишлари давом этаётганди. Саройга жуда баланд дарвозадан, узун йўлак орқали кирилган. “Йўлакнинг икки томонидаги ғиштин равоқ жимжимадор, гулдор кошинлар билан безатилган. Равоқлар остида очиқ, кичик айвонсимон жойлар бўлиб, олдида кошинлардан супа қилинган. Айвончалар подшоҳни кутиб олувчиларнинг ўлтиришига мўлжалланган. Шундан сўнг навбатдаги эшикдан катта ҳовлига чиқилади. Ҳовли саҳнига оппоқ тош тахталар тўшалган, ҳар икки ёнида ҳашаматли айвонлар. Ҳовлининг ўртасида катта ҳовуз жилоланиб турибди. Ҳовли саҳнининг кенглиги уч юз қадам келади. Мазкур ҳовлидан бағри кенг уйга кирилади. Уйнинг жуда баланд ва кенг очиладиган эшиги зарҳал ва ложувард бўёқлар ҳамда чиройли кошинлар билан безатилган. Эшикнинг тепасидаги деворда ўрта қисмида қуёш нури кўламида акс эттирилган шер тасвири бор. Эшикнинг четларига ҳам худди шундай суратлар чизилган” [9; 147-148- б.].

Шунингдек, Клавихо Оқсарой таърифни давом эттиради: “Юқорида тилга олинган эшикдан тўртбурчак шаклидаги қабулхонага кирилади. Қабулхонанинг деворларига олтин ва ложувард бўёқлар ҳамда ялтироқ кошинлар, шифтига эса яхлит зарҳал бўёқлар билан сайқал берилган. Бу ердан элчиларни юқори қаватга бошлаб чиқдилар. Бу қаватда бошдан-оёқ зарҳалланган бўлма ва ҳашаматли хоналарни шу қадар кўп кўрсатишдики, таърифни адо қилиб бўлмайди. Бўлма ва хоналарга зарҳал, зангори ва бошқа хил бўёқлар билан заргарона ҳал берилганки, чевар усталар бўлган Париж ҳам бу нақшлардан ҳайратга тушиши ҳеч гап эмас. Шундан кейин подшоҳ ва маликалар истиқомат қилишига мўлжалланган бўлма ва ҳарамларни кўрсатдилар. Бу хоналарнинг деворлари, шифти ва таги ҳаддан ташқари ҳашаматли безатилган. Сарой тепасида ҳар хил ҳунарманд усталар ҳамон ишлар эдилар. Шундан кейин элчиларни подшоҳнинг ўз маликалари билан туришига ва базм ўтказишига мўлжалланган жуда кенг ва ҳашаматли залга бошлаб кирдилар. Унинг олдида мевали ва серсоя дарахтлар ўсган, ҳовузлар ва дид билан бунёд этилган майсазорлар мавжуд, катта боғ яшнаб турарди. Боққа кираверишда анча кенг майдон бўлиб, унда одамлар ёз ойлари сув бўйида, дарахтлар соясида ҳузур қилиб ўлтиришлари мумкин эди. Сарой шу қадар ҳашаматли қилиб қурилган эдики, уни тавсифлаш учун хоналарнинг ҳар бирини шошилмай кўздан кечирмоқ керак. Мазкур сарой ва масжид подшоҳ томонидан ҳозиргача қурдирилган энг улуғвор бинолар жумласидандир. Буларни подшоҳ шу шаҳарда дафн этилган ўз отаси шарафига қурдирган... [9; 148-149- б.].”

Самарқанд саройлари. Самарқанд ҳақида у шундай ёзади: “Севилья шаҳридан сал каттароқдир” [7; 325- б.], “бу шаҳар ва унинг атрофидаги ерлар шу қадар ҳашамдор ва бойки, инсон ҳайратининг чек-чегараси йўқ” [7; 327- б.] деб ёзади.

Мўғуллар истилосидан сўнг Самарқанднинг тикланиши Темур даврида бошланди. Саркарда бутун Ўрта Осиёни эгаллаб, пойтахтини Кешдан Самарқандга кўчирди. Бу танлов маълум даражада Самарқанднинг Зарафшон водийсидаги жуда яхши суғорилган ва боғдорчилик учун жуда қулай жойлашуви билан боғлиқ деб ўйлаш мумкин. Тоғларнинг яқинлиги Самарқанд ҳавосини енгил ва салқин қилади, ҳатто энг иссиқ ойлarda ҳам Бухородагидек кишини чарчатадиган дим ҳаво бўлмайди.

Темур шаҳарни девор ва чуқур хандақлар билан ўраб олди. Жанубий қисмида қалъа қурилган бўлиб, бу ерда Темурнинг саройи жойлашган бўлиб, у айна вақтда Темурнинг бойликларини сақлаш вазифасини ҳам бажарган. Шаҳар ташқарисида, улкан боғлар ўртасида ҳам бир қатор саройлар қурилган бўлиб, уларнинг дарвозалари ҳукмдор у ерда яшамаган вақтларда аҳоли учун очик бўлган. Самарқанд атрофида қишлоқлар пайдо бўлди. Уларга машҳур шаҳарлар номлари берилди: Бағдод, Дамашқ, Қоҳира, Султония, Шероз. Темур Шарқ пойтахтлари билан таққослаганда унинг буюк шаҳри олдида улар қишлоқдек эканлигини кўрсатмоқчи бўлди.

Темур салтанатининг сўнгги йилларида Самарқандга келган испан элчиси Клавихо бу шаҳарнинг гўзаллиги ва бойлигидан, шунингдек, унинг бозорида ҳукм сураётган ҳаётдан ҳайратда қолди. Ҳиротдагидек, Темурнинг буйруғи билан Самарқандда ҳам кенг, гумбазли бозор кўчаси қурилди. Бу бозорнинг қурилиши ўша давр учун мисли кўрилмаган суръатларда олиб борилди. Клавихо бундай дейди: "Кундузи ишловчилар тун кириши билан кетар, бошқалар кечаси ишлаш учун келишарди. Бир хиллари уйларни бузишар, бошқалари ер текислашар, учинчилари иморат қуришарди - уларнинг ҳаммаси кеча-ю кундуз шовқин-сурон кўтарарди. Йигирма кун ўтмасданоқ шунчалар кўп ишлар қилиндики, ҳайрон қоласан киши. [4; 17-б.]".

Энг маҳобатли иншоотлардан бири улкан масжид бўлиб, унинг харобалари Бибихоним номи билан машҳур эди. Унинг қурилиши 1399 йилда бошланган ва 1403-04 йилларда қуриб битказилган. Бу вақтда Темур сафарда эди. У қайтиб келиб, масжидни кўздан кечириб, қурилишга норози бўлди. Амир йўқлигида бу ишларни кузатиб туриш топширилган амалдорлардан бири шу ернинг ўзида қатл этилди. Қайта қуриш ишлари Темурнинг шахсан кузатувида бошланди. Амир ҳатто хасталик пайтида ҳам замбилда масжидга боришни буюриб, ишнинг барча қатнашчиларини қўрқитган.

Улканлиги ва ҳашаматли безаклари билан мусулмон дунёси кўрмаган бино пайдо бўлди. Ҳозир ҳам, баҳайбат гумбаздан фақат аянчли қолдиқларгина сақланиб қолган, дарвоза пештоқининг гумбазлари қулаб тушган бир пайтда, харобалар ҳақиқатан ҳам одамни ларзага солади. Тахминларга кўра, масжиднинг нисбатан тез вайрон бўлишига қўрқинчли ҳукмдорнинг ғзабига учраган усталарнинг кўплаб техник хатоларга йўл қўйгани ва ишни пала-партиш олиб боргани сабаб бўлган. Темур вафотидан кўп ўтмай, бинонинг қулаши бошланди - гумбаздан ғиштлар тушарди ва самарқандликлар у ерга ибодат қилишдан қўрқардилар.

Темур бошлаб берган ва унинг ворислари давом эттирган Шоҳизинда некрополи ҳам диққатга сазовордир. Атрофларида афсонавий гўзаллик мақбаралари қад кўтариб турган бу кўчадан ўтаётган киши эътиборини нимага қаратишни билмай қолади. Рангли кошинларнинг ҳар қандай детали - санъат мўъжизаси, лекин бу ўзига хос тузилишга эга бўлмаган умумий ансамбль янада ҳайратланарли.

Темурнинг ўзи, унинг ўғли Шоҳрух ва набираси Улуғбекнинг қолдиқлари - машҳур Гўр-и мир (Амир қабри) жойлашган мақбара унча катта бўлмаса-да, ундан ҳам мукамалроқдир.

Улуғбек даврида қурилиш ишлари давом этди. Чихил-сутун (Қирққулоқ устунли) саройи барпо этилди, Бибихоним яқинида мадраса қурилди, у ҳозиргача сақланиб қолган ва қисмларининг келишган уйғунлиги билан кишини ҳайратга солади.

Темурийлар доирасида аёллар мусулмон дунёсининг бошқа қисмларига қараганда анча кўпроқ эркинликка эга эдилар. Улуғбек Бухорода қурдирган мадраса

эшигида "Илмга интилиш ҳар бир мусулмон ва ҳар бир мусулмон аёлининг бурчидир" [5; 10- б.]" деган ҳикматли сўз ўйиб ёзилган.

Бу туркий халқларнинг анъанаси, деб ўйлаш мумкин, уни ўша даврда мусулмон руҳонийлари бўғиб ташлай олмаган.

Хирот. Шоҳрух салтанатининг бошиданоқ шаҳарни қайта тиклаш билан шуғулланган. Деворлар таъмирланди, қисман кўтарма кўприклар орқали дарвозага олиб борадиган хандақлар тикланди. Айниқса, ўша вақтдаги ҳарбий техника туфайли мутлақо ўтиб бўлмайдиган қалъа пухталики билан мустаҳкамланди.

Шаҳарнинг майдони квадратга яқин тўртбурчак бўлиб, тахминан 2,5 квадрат километрни ташкил этган. 1411-12 йилларда Шоҳрух шаҳарни бутунлай қайта режалаштиради. Унинг бошидан охиригача бир-бирига перпендикуляр қилиб иккита бозор кўчаси ўтказилган. Энг ўртада, уларнинг чорраҳаси ўрнида бозор майдони бор эди. Қалъа дарвозасидан марказга томон яна бир бозор кўчаси тортилган. Шундай қилиб, тўртта йирик туман пайдо бўлди, улар ўз навбатида кварталларга бўлинди.

Бозор кўчалари ёруғлик учун тешиклари бўлган гумбазлар билан қопланган. Майдонда гумбазли бир бино қад кўтариб турар, гумбазнинг тепаси бутун шаҳарни кўрсатиб турарди.

Ҳукумат бинолари Боғи шаҳар атрофида тўпланган бўлиб, у ерда 1400 йилдаёқ Темур буйруғи билан Шоҳрух учун сарой қурилган бўлиб, замондошлари уни дунёдаги энг катта саройлардан бири деб ҳисоблашган. Қизиғи шундаки, саройлар деворлари нафақат нақшли, балки ҳарбий ҳаракатлар тасвирланган фрескалар билан ҳам безатилган.

Диний бинолардан энг маҳобатлиси шаҳарнинг шимоли-шарқий қисмида жойлашган ва 1200 йилда асос солинган, бугунги кунгача сақланиб қолган жоме масжиди эди. XIV асрнинг иккинчи ўн йиллигида масжид таъмирланиб, нақшли ёзувлар билан безатилган. Асрнинг иккинчи ярмида зилзила оқибатида масжид пештоқидаги арка қулаб тушган. У фақат 1498 йилда Навоийнинг назорати остида қайта тикланган.

Шоҳрух подшоҳлигининг дастлабки кунларидаёқ шаҳарнинг шимолий қисмида мадраса ва хонақоҳ қурдирган эди. Бу биноларнинг деворлари ва дарвозалари зарҳал рангли керамика билан қопланган. Бундан ташқари, Ҳиротда ўндан ортиқ олий таълим муассасалари, жумладан, шифохона қошида битта мадраса бор эди.

Шаҳар атрофи қарийб тўрт фарсахга чўзилиб кетган шаҳар атрофи, боғлар ва қишлоқлар эди. Шаҳар атрофи ўртасида Инжил имтиёзли мавқега эга бўлиб, у ерда Ҳирот аристократиясининг аксарияти шаҳарда эмас, балки шаҳар ташқарисидаги боғларда яшашни афзал кўрган. Чунончи, Шоҳрухнинг ўзи шаҳарнинг шимолида жойлашган Боғи зағон боғида яшаган. Шоҳрух Боғи сафид боғида ўғли Бойсункор учун ҳашаматли сарой қурдирди. Бу саройнинг девор панеллари ва ҳовлиси яшма ва мрамор билан безатилган бўлиб, улардан нақшинкор расмлар солинган. Сарой хоналарининг деворлари фрескалар билан безатилган. Энг катта боғ Султон Ҳусайн томонидан шаҳарнинг шимоли-шарқида барпо этилган Боғи Жаҳон-аро (Дунёни безовчи боғ) эди.

Темурий зодагонлар ўз ҳукмдорларига тақлид қилиб, шаҳар ташқарисида улкан боғлар билан ўралган ҳашаматли саройлар қуришда бир-биридан ўзиб кетишга ҳаракат қилганлар. Навоийнинг боғларидан бири ҳақида айтилишича, бутун Хуросонда бундан мафтункорроқ дам олиш жойини топиб бўлмасди.

Ҳиёбон шаҳарчаси Ҳирот учун энг ҳурматли қабрлар жойлашган некропол вазифасини бажарган. Бу хиёбон узун бўлиб, унинг икки томонида мазорлар қад кўтарган эди. Ҳиёбон фақат зиёратгоҳ бўлибгина қолмай, у ерда байрамлар, турли халқ

сайллари ҳам ўтказилар эди. Бу байрамлар кўпинча жуда дабдабали бўлган. Уларда хунаромандлар ва савдогарлар иштирок этган. Улар йўллар бўйлаб дўконлар ва киоскалар қуришган. "Ҳар бир цех, - дейди тарихчи Хондамир, - ўз хунарига яраша ноёб эрмаклар ва кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳайкаллар ясаган."

1432 - 33 йилларда Шоҳрухнинг хотини Гавҳаршодбегимнинг буйруғи билан қурилган хонақоҳ, мадраса ва жоме масжиди ўша даврдаги энг ажойиб меъморий иншоотлар сирасига киради. Ҳозирда деярли бутунлай вайрон бўлган ва Гумбод-и сабз (Яшил гумбаз) номи билан машҳур бўлган бу биноларни қуриш учун 21 йил керак бўлди. Ҳатто ҳозир ҳам, барча вайроналикларга қарамай, бу бинолар улкан таассурот қолдиради. Мозор гумбази остида ҳозиргача қуйидаги темурийларнинг қолдиқлари ётибди: Шоҳрухнинг ўғли Бойсунқур (вафоти 836/1432-33 йилларда), Улуғбекнинг набираси Султон Аҳмад (вафоти 848/1444-45 йилларда), Гавҳаршоднинг ўзи (вафоти 861/1456-57 йилларда), Бойсунқурнинг ўғли Ала ад-Давла (вафоти 863/1458-59 йилларда), унинг ўғли Иброҳим Султон (вафоти 855/1451 йилларда), Шоҳрухнинг ўғли Мухаммад Жукий (вафоти 868/1463-1464 йилларда). XIX аср охирида бу биноларнинг аксарияти сақланиб қолган. Ҳозирги вақтда улардан фақат еттита ярим хароба минора ва мозорлар қолган. Гумбазда Бойсунқур хотирасига бағишланган элегиянинг қолдиқларини ўқиш мумкин, унда қуйидаги сатрлар бор:

"Бу қайғули воқеадан юракнинг шунчалик кўп қони одамлар кўз ёшларидан оқиб чиқдики, бу тўлқиннинг патида бу бўронда кўз ёши қолмади. Миср кўк рангга бўялди, гўё Мисрдан ҳукмдор кетгандай, Хитойнинг қошлари чимирилди, гўё Хитойда ҳоқон қолмагандай. [6; 19- б.]".

Инжил кўприги ёнида Навоий ҳам бир қанча иншоотлар қурдирган, улардан Ихлосия мадрасаси айниқса машҳур бўлган. Бундан ташқари, Навоий мадраса ва унга туташ биноларни турли жойларда қирқдан ортиқ умумфойдали бинолар қурдирди.

Аксарият ҳолларда ислом дини билан боғлиқ бўлган биноларнинг қурилиши мусулмон руҳонийларини Шоҳрух фойдасига жалб қилмаслиги мумкин эмас эди. Кейинчалик унинг хотирасини ўзига хос ореол билан ўрашди, ҳатто унга мўъжизавий хусусиятларни ҳам беришди. Шоҳрух, шубҳасиз, жуда тақводор мусулмон эди. Бироқ, А.Ю. Якубовский тўғри таъкидлаганидек [3; 19- б.]", В.В. Бартолд Шоҳрух саройининг риёкорлигини унинг Самарқандни бошқарган ўғли Улуғбек саройидаги қувноқ ҳаётга қарама-қарши қўйиб, бўёқларни ҳаддан ташқари қуюқлаштирган.

Шоҳрух ўз оиласида ислом динининг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришни талаб қилган бўлса-да, маданий ташаббуслардан ҳам бегона эмасди. Чунончи, Бойсунқур унинг кўрсатмаси билан Ҳиротда ажойиб кутубхона ташкил этиб, унинг қошида котиб-хаттотлар, миниатюрачи рассомлар, зарҳалчилар, муқовасозлардан иборат бўлган. Бу штатга олимлар, тил ва адабиёт билимдонлари раҳбарлик қиларди.

Шундай қилиб, Шоҳрух подшолик қилган даврда Ҳиротда шундай шароит вужудга келдики, бу ҳолат Ҳиротга асрнинг иккинчи ярмида Султон Ҳусайн ва Навоий даврида ўша давр Шарқининг асосий маданий марказларидан бирига айланиш имконини берди.

Бироқ, жуда юқори маданият мавжудлигини таъкидлаган ҳолда, бу маданият аҳолининг кенг доиралари учун мавжуд эди, деб ўйламаслик керак. Шоҳрух ва унинг амалдорларининг маданий ташаббуслари катта маблағ сарфлашни талаб қиларди. Бу маблағлар, асосан, солиқ йўли билан қўлга киритилар, бу эса том маънода меҳнаткаш аҳолини бўғар эди [2; 153-169- б.]". Солиқларнинг хилма-хил ва салмоқли бўлиши у ёқда

турсин, бу солиқларни йиғувчи амалдорлар ўз ҳокимиятларини суиистеъмол қилиб, деҳқонларни талон-тарож қилишлари ҳам оғир аҳволни янада оғирлаштирарди.

Деҳқонлар зиммасидаги бошқа мажбуриятлар ҳам оғир эди. Тўғри, улкан ирригация ишлари ернинг қимматини ошириб юборди, лекин бу ер эгаларига фойда келтирди; деҳқонлар эса мажбурий меҳнатнинг оғирлигидан ҳолдан тоиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлашдан бош тортардилар. Ҳашаматли саройлар ва ҳашаматли масжидлар қуриш ҳам унинг зиммасига юклатилган. Шунинг учун ҳам Темурийлар давлатида деҳқонлар қўзғолонлари вақти-вақти билан бошланиб, баъзан анча катта миқёсда авж олганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Бу ҳолат ўша даврнинг илғор мутафаккирлари назаридан четда қолмади. Таниқли шоир Абдурахмон Жомий ўз дostonларидан бирида ҳокимият эгаларига шундай мурожаат қилади [1; 206- б.]":

ظلم تو ظلم همه عالم شود	ظلم ترا بیخ چو محکم شود
اهل سرایش همه گویند پای	خواجه بخانه چو بود دف سرای
قات یکی خانه عمارت شود	شهری از آسیب تو غارت شود
تا نکشد کار بغارت گری	کاش کنی ترک عمارت گری
قات دراید ته سیمی بکف	باغی از آسیب تو گردد تلف
ور نه بهر سبب حسیت بود	به که از ان سبب شکیت بود
از حرم بیوه و باغ یتیم	میوه و مرغ سر خوانت مقیم
میکشد از پشته هر کوز پشت	مطبخت هیمه ز خوی درشت
طعمه ده از جوژه هر پیر زن	باز ترا میر شکاران بغن
گاه و جواز تو بره خوشه چین	بارکی خاص ترا هر پسین
از زر در یوزه کدایان شهر	گوش کنیزان ترا داده بهر

Ушбу сатрларни қуйидагича таржима қилсак бўлади:

Зўравонликнинг илдизи мустаҳкам бўлса,

Сенинг зўравонлигинг бутун дунёнинг зўравонлигига айланади.

Агар хўжа ўз уйида доира чалса,

Унинг уйидаги барча рақс тушади.

Сенинг зулминг билан бир шаҳар талон-тарож бўлади,

Бироқ сен учун фақат бир сарой қурилади.

Қурилишни тўхтатганинг яхши бўлар эди,

Шунда у сени ўғриликка етакламас эди.

Бир боғнинг бутун мевалари сенинг зўравонлигингдан nobуд бўлади,

Фақат сенга бир парча олма етиб келсин деб.

Бу олмадан воз кечганинг яхши бўлар эди,

Акс ҳолда ҳар бир олма учун жавоб беришингга тўғри келади.

Сенинг дастурхонингдаги мева ва товуқлар

Бевазанинг уйдан ва етимнинг боғидан келган.

Ошпазинг қўполлиги билан

Ёғочларни камбағал қариянинг боғламасидан ташиб келади.

Сенинг ловандиёларинг ҳийла билан

Сени ақча тўплаган камбағал кампирнинг жўжаларини тўйдирмоқда.

Сенинг отинг ҳар куни

Камбағал дон йиғувчиларнинг халтасидан саман ва арпа ейди.

Сенинг чўриларингнинг қулоғидаги зийнатлар

Шаҳар нигоранларининг садақасидан бўлиб ўлчанади.

Ушбу парча адолатсизлик, очкўзлик ва ҳокимиятни суиистеъмол қилишни фош этувчи ёрқин сатира ҳисобланади. Муаллиф, эҳтимол, оддий одамлар, етим-есирлар ва камбағалларнинг азоб-уқубатлари ва меҳнати орқали шахсий бойлик ва ҳашаматга қандай эришилишини кўрсатишга интилади. Ҳар бир мисра зулм ва золимнинг моддий фаровонлиги ўртасидаги боғлиқликни англатади.

Матннинг асосий ғоялари:

Зўравонликнинг илдизи ва оқибатлари

Таъкидланишича, агар зўравонлик ҳокимиятнинг асосига айланса, у бутун жамиятни эзилишига олиб келади. Бу азоб-уқубатларнинг занжирли реакциясини келтириб чиқаради.

Ҳокимият иллюзияси ва унинг нархи

Муаллиф бошқаларнинг азоб-уқубатига қурилган ҳашаматни қоралайди. Масалан, бир киши учун сарой қуриш учун бутун бир шаҳарнинг ҳаёти вайрон қилинади.

Очкўзлик ва телбаликни қоралаш

Олма тимсоли майда лаззатлар жуда қимматга тушишини таъкидлайди. Улар бутун бошли боғларни вайрон қилиш ёки камбағалларни талашни оқламайди.

Ахлоқ ва масъулиятга даъват

Лирик қаҳрамон ҳар бир хатти-ҳаракати учун жамият ёки ҳатто олий куч олдида жавоб беришга тўғри келишига ишора қилади.

Ижтимоий адолатсизлик

Ошпаз, лочинбоқар, от ва чўрилар ҳақидаги сатрларда эксплуатация кундалик ҳаётга кириб, нормага айланганини кўриш мумкин.

Матн ўринлилиги (релевантлиги):

Бу сатрлар барча даврлар учун долзарб бўлиб қолмоқда, чунки ижтимоий тенгсизлик, очкўзлик ва ҳокимиятни суиистеъмол қилиш масалалари ўзгаришсиз қолмоқда. Матн насиҳатомуз хусусиятга эга бўлиб, ўзгалар ресурси ва меҳнатини суиистеъмол қилиш эртами-кечми жазоланишга олиб келишини эслатиб туради.

Темурийлар даври саройлари нафақат архитектура шедеврлари, балки жамиятнинг ижтимоий тузилиши ҳақидаги муҳим манба ҳисобланади. Улар ҳукмдорнинг куч-қудратини намоиш этувчи маконлар бўлиш билан бирга, жамиятдаги табақалар ўртасидаги муносабатларни акс эттиради. Шунинг учун, ушбу саройларни ўрганиш нафақат тарихий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Абдурахмон Жомий. Хафт Авранг. Литография Яковлева, Т., 1919.
2. А.А. Молчанов. К характеристике налоговой системы в Герате эпохи Алишера Навои. Сб. «Родоначальник узбекской литературы», Т., 1940. С. 153-169.
3. А.Ю. Якубовский. Черты общественной и культурной жизни эпохи Алишера Навои. – Сб. «Алишер Навои», М.–Л., 1946. С. 10.
4. В.А. Шишкин. Города Узбекистана, Ташкент, 1943. С. 17.
5. В.В. Бартольд. Улугбек и его время, Петроград, 1918. С. 99.
6. Е.Э. Бертельс. Избранные труды. Навои и Джами. М., «Наука». 1965. С. 19.

7. Клавихо, Руй Гонсалес де. “Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканде в 1403–1406 гг.” Ред. Измаил Срезневский. СПб.: тип. Академии наук, 1881. (Сборник Отделения русского языка и словесности Императорской Академии наук, т. 28, по. 1). 1-2 бетлар.
8. Мирокова, И. “Клавихо. ‘Дневник путешествия в Самарканд’ (сравнительная характеристика двух печатных изданий 1582 и 1782 г.)”. В изд. Письменные памятники Востока. История, филология, ред. Магомед-Нури Османов и др., 133–43. М.: Наука, 1979.
9. Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга – Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406 йиллар). Тарж. О. Тоғаев. Т.: “O‘zbekiston”, 2010. 147-148 бетлар.
10. Юрий Халаминский. Дорогами легенд. М.: Советский художник, 1967.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ S/10 (4) – 2024

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).